# УНУТИЛГАН ВА НОМАЪЛУМ РЕЦЕПТЛАР

БАЛИҚДАН НИМА ТАЙЁРЛАЙ ОЛАСИЗ? ҚАЙЛА ТАЙЁРЛАШНИ БИЛАСИЗМИ? БАЛИҚ ШЎРВАСИ? ҚОВУРМА БАЛИҚМИ? БИЗ АСОСАН АНА ШУ ҲАММАГА МАЪЛУМ ТАОМЛАРНИГИНА БИЛАМИЗ. ҲОЛБЎКИ, БАЛИҚДАН ТАОМ ТАЙЁРЛАШ ҲАҚИДА РЕЦЕПТЛАР ЖУДА КЎП БЎЛИБ, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ УНУТИБ ЮБОРИЛГАН ЁКИ БИЗЛАРГА МАЪЛУМ ЭМАС.

**БАЛИҚДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТАОМЛАР ТАРИХИ ЖУДА БОЙ ВА ҚИЗИҚАРЛИДИР.**

Қадимги Грецияда балиқ овқатлари жуда мўътабар бўлган ва севиб тановвул қилинган. Кўплаб қадимги грек тарихчилари, шоирлари, гастрономлари балиқ таомларининг ниҳоятда машҳур бўлганлигини таъкидлайдилар. Ўша даврнинг таниқли шоирларидан Элиан ёзади: «...Кимда ким балиқни бошқа овқатларга нисбатан хуш кўрса, халқ уни олижаноб киши сифатида эъзозлайди, гўштли овқатларни яхши кўрадиган кишиларни паст дидли ҳисоблайдилар...» Ростини айтганда — фикр жуда қатъий!

Грек — Рим таомларининг анъаналари Европа халқларининг миллий таомларида янада ривожланиб борди. Пазандалик санъати намуналари орасида балиқдан тайёрланган нодир рус таомлари алоҳида эътиборга моликдир.

## РУС ТАОМЛАРИДАН

Рус овқатининг характерли белгиси — иштаҳа очиш учун олдиндан енгил тамадди қилинадиган балиқ маҳсулотларининг кўплигидир. Бундай таомларни хрен, сирка, саримсоқ пиёз, карам, труп, лавлагидан тайёрланган салатларга қўшиб тортилади. Зиравор ўсимликлардан балиқ таомларига укроп, қалампир, жамбил қўшилади. Балиқ таомларида горчицадан ҳам кенг фойдаланилган. «Масаллиғсиз овқатда на маза бор, на матра» — дейилади рус халқ мақолида. Машҳур балиқ шўрва, балиқ окрошкаси, қўзиқоринли балиқ, кулебянка рассолли балиқ, балиқдан запеканка, балиқли сомсалар... Қадимий рус таомлари рецептларидан ҳозир ҳам фойдаланса бўлади.

Мана улардан бири.

### ПИЕЗЛИ БАЛИҚ ДИМЛАМАСИ

Балиқ бўлакларга ажратилиб, унга белаб олингач, қовурилади ва сопол хурмачага қўйилди. Устидан қовурилган пиёз сепилади ва яна бир қатлам балиқ қўйилади, сўнг яна қовурилган пиёз сепилади. Унинг устидан сут қуйилади, дафна япроғи ва мурч қўшилади ҳамда яхшилаб димланади. Бу таомга алоҳида қайнатилган картошка ҳам тортиш керак.



## ВЕНГЕР ТАОМЛАРИДАН

Венгрияда иккита таом бор, улар ҳатто муқаддас ҳам ҳисобланади дейишади. Булар —буғдой қуймоғи ва балиқ шўрвасидир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам жуда яхши тайёрланиши керак, ёхуд умуман тайёрлашнинг кераги йўқ.

### ВЕНГЕРЧА БАЛИҚ ШЎРВА

1250 грамм балиқ, битта катта пиёз, 15 грамм қизил қалампир,1—2 бош ширин қалампир, 2—3 помидор, туз.

Балиқни тозалаб, уч энлик қалинликда бўлакларга ажратиб, тузланади. Боши ва думи пиёз билан 1,5 литр тузланган сувда қайнатилади. Сув қайнаши билан қизил қалампир солинади. Пиёз пишгач, шўрвани элакда сузиб олиб, тайёрлаб қўйилган балиқ бўлаклари устидан қуйилади. Майда ҳалқача қилиб тўғралган қалампир ва помидор ҳам шунга қўшилади. Хоҳлаганлар сут ва икра ҳам қўшишлари мумкин. Шўрва 20 минут давомида қайнатилади. Ковлаштириш керакмас, кострюлни салпал қимирлатиш кифоя, зеро балиқ майдаланиб кетади.

Таом 5 кишига мўлжалланган.

Бундай шўрвани турли хил балиқдан тайёрлаш мумкин. Венгер ошпазларининг фикрига қараганда, балиқларнинг турли хил бўлиши балиқ шўрвасининг мазасини яхшилайди. Шўрва дастурхонга оқ нон билан тортилади.

## БРАЗИЛИЯ ТАОМЛАРИДАН

Ҳозирги пайтда Бразилия таомларини бутун Жанубий Америкада энг танқис овқат ҳисоблашади. Зиравор ва маринадлар Бразилия таомларининг ажралмас қисмидир. Улар иштаҳа қўзғайди, таомнинг таъмини оширади.

### СИРКАЛАНГАН БАЛИҚ ФИЛЕСИ

500 гр. балиқ филеси (лахими), 4 ош қошиқда узум сиркаси, 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, бир чимдимдан қора мурч, қизил қалампир, битта дафна япроғи, иккита йирик пиёз, бир чой қошиқ томат бир чой қошик шакар, сариёғ ёки маргарин, бодом, туз.

Балиқ филесини унча қалин бўлмаган бўлакларга ажратиб, тузланган сувга солиб димланади. Сирка, ўсимлик мойи, туз, мурч, қалампир, дафна япроғи ва томатдан маринад тайёрланади. Унга димланган балиқ бўлакларини солиб, кечаси сақлаб қўйилади. Устидан халқача қилиб қирқилган пиёз қўйилади. Эртаси куни балиқни товоққа солиб, ҳалқа қилиб тўғралган пиёз ва сариёғда салгина қизартирилган бодом билан безалади. Бу таом картошка ёки салат билан тановвул қилинади.

## МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИ ТАОМЛАРИДАН

Турли республикада балиқдан турлича таом тайёрлашади. Республикамизда унча маълум бўлмаган рецептлардан тавсия қиламиз. Ишончимиз комилки, балиқ таоми ихлосмандлари бу овқатларни муносиб баҳолайдилар.

### ОЗАРБАЙЖОНЧА БАЛИҚ ҚИЙМАСИ

500 гр. балиқ, 125 гр. тозаланиб янчилган ёнғоқ, 25 гр. майиз, 75 гр. майда тўғралган пиёз, 25 гр. ўсимлик мойи, ош қошиқда лимон шарбати, туз.

Балиқ тозаланиб, тузланади. Кейин майдаланган ёнғоқ, майиз, ўсимлик мойида сал қизартирилган пиёз, лимон шарбати аралаштирилиб тайёрлаб қўйилган балиқ ичига жойланади. Шундан сўнг балиқ устига ўсимлик мойи суркалиб, ип билан боғланадида духовкада ковурилади, таом икки кишига мўлжалланган.

### ОЛМАЛИ ФИЛЕ

Унча катта бўлмаган балиқ филеси бўлакларини сирланган кастрюлда (30—40 минут, сиркалаб қўйилади. Сиркалаш учун мусаллас, ўсимлик мойи, тўғралган зиравор, лимон шарбати, туз, мурч қўшилади.

Олманинг пўстлоғи ва уруғи тозаланиб, духовкада (1—2 минутча) салгина қизартирилади. Филе сихга олма билан балиқ оралатиб сихланади. Қўрада ёки духовкада қовурилади.

Филе дастурхонга зиравор ва сабзавот билан безаб тортилади.

600 гр. балиқ филесига 300 гр. олма, 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, бир чой қошиқ лимон шарбати, 2 ош қошиқ мусаллас, туз, мурч ишлатилади.

Бу овқатларнинг ҳаммасини мазали, фойдали, хуштаъм қалқонтумшуқ балиғидан тайёрлаш мумкин.

### БАЛИҚ СТОЛИНИ БЕЗАШ

Агар Сиз байрамга балиқдан таом тайёрлаш ниятида бўлсангиз, уни чиройли безатиш керак. Сабзавотларни тарелкаларга шундай жойлаштирингки, ранглар контраст уйғунликда бўлсин. Улар овқатга чиройли кўриниш беради ва иштаҳани қўзғайди. Балиқ таомларини қайнатилган лавлаги ва сабзи кўк салат ва қайнатилган тухум бўлаклари жуда безайди.

Қуйма овқатни қандай безаш керак? Шакл берувчи идиш тагига аввало қайнатилган тухумнинг ҳалқа қилиб кесилган бўлакларини кейин эса петрушканинг майда шохларини, қайнатилган сабзидан тайёрланган юлдузчаларни қўйинг. Шундан кейин уларнинг устидан бир неча қошиқ шўрва қуйиб, совутинг. Шўрва «безаклар» билан қотиб қолгач, шакл берувчи идишга олдиндан совутилган шўрвани қўйинг ва совуқ жойга қўйинг. Идишдаги қуйма овқатни столга тортишдан олдин уни иссиқ сув устида тутиб туринг, кейин қуймани идишга ағдаринг ва бўлакларга ажратинг.

Балиқ таомларини безаш учун сабзавот ва мевалардан — бодринг, помидор, редиска, кўк ва бош пиёз, сабзи, петрушка, сельдерей, кашнич, лимон, олма қўлланилаверади.

### БАЛИҚ ҚАЙЛАСИ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Қайлалар балиқ таомларига қўшиб тортилувчи масаллиқдир. Нордонроқ қайла қалқонтумшуқ балиғидан тайёрланган таомларга тўғри келади. Уларни сирка лимон шарбати ҳамда мусаллас билан қўшиб тайёрланади. Балиқ қайласи учун балиқнинг ўзи қайнатилган шўрва суюқ асос бўлиб хизмат қилади. Шўрва қанчалик қуюқроқ бўлса, қайла шунчалик мазали бўлади. Унинг яхши ҳидли ва мазали бўлиши учун олдиндан ёғда қовуриб олинган буғдой уни қўшилади. қовурилган ун ёнғоқ таъмини беради. Кўпгина қайлалар таркибига илдизлар ва бош пиёз киради. Уларни майдалаб тўғрашади. Қайлага қўшилган томат-пюре унга нордонроқ таъм ва жозибадор ранг беради. Томат сабзавотлар билан бирга қовурилади. Аввалига 4 — 5 минут давомида майдаланган илдиз ва бош пиёзни сал нимранг қовуриб кейин томат қўшилади ва яна 3—5 минут қовурилади, шундан кейин ун солинади ва қовуришда давом этиб 3—4 минут давомида аралаштириб турилади. Қайлаларнинг яхши мазали бўлиши учун уларга туз, мурч, хрен ва бошқа зираворлар, жамбилдан ташқари яна сирка узум мусалласи, лимон шарбати ёки лимон кислотаси, бодринг рассоли, саримсоқ пиёз ҳам қўшилади. Тайёрлаш имкониятлари чексиздир!

Тайёр қайлалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Балиқ таомлари учун айниқса, тансиқ «Южний» қайласи тўғри келади. Зеро унинг, таркибига 20 дан зиёд қўшилмалар: шакар, туз, олма бўтқаси, томат-паста, пиёз, саримсоқ пиёз, мол жигари, «Мадера» мусалласи, майиз, горчица ҳамда зираворлар тўплами— ҳидли мурч, занжабил, мускат ёнғоғи, қалампир мунчоқ, долчин, кардамон, дафна япроғи.



### ИВАСИ СЕЛЬДИДАН ЗАКУСКА

Бирорта ҳам байрам столи закускасиз бўлмайди. Чиройли ва хилма-хил закускани иваси сельдидан тайёрлаш мумкин. Закускани моҳирона тайёрлай билиш керак.

Сельд терисидан тозаланади, умуртқаси олиб ташланади, лаҳм жойи эҳтиётлик билан олинади ва ўртача катталикда бўлакларга ажратиб кесилади. Уни ликопчага қўйиб сельдни думалоқ тухум бўлаклари билан ва кўкатлар билан безалади. Эътиборингизга иваси сельдидан ўткир закуска тайёрлаш рецептини тавсия этамиз: 500 грамм сельд, 1—2 бош пиёз, 10 гр. нон, 1—2 ош қошиқ ўсимлик мойи, 2—3 ош қошиқ сирка, 1 ош қошиқ шакар, 1—2 та помидор, 1—2 дона бодринг. 1 та тухум, кўк пиёз тайёрлаб қўйинг.

Тайёрланган балиқ, пиёз, нонни мясорубкадан ўтказинг, унга ўсимлик мойи, сирка, шакар қўшинг. Ҳаммасини яхшилаб аралаштиринг. Селётка идишларига солиб, уларни кўк пиёз, қайнатиб қирқилган тухум, помидор ва бодринглар билан безанг.

Закусканинг энг кўп тарқалган тури бутерброддир. Бутерброд учун маҳсулотлар таъмига ва рангига қараб танланади. Бутерброд оддий тайёрланади. Кўк салатнинг япроғи, қизил помидорнинг парраги, редиска, қаттиқ пиширилган тухум, тузланган сельдга жуда мос тушади. Бутерброднинг устига чиройли қилиб сариқ ёғдан гул ясаш мумкин.

Жавдар нонни юпқа паррак қилиб кесилади, унинг устига сариғёғ суртилади. Унинг устига эса тери ва умуртқадан тозаланган иваси сельди қўйилади.

Бутерброд сельд ёғи билан ҳам жуда мазали бўлади. Оқ noнинг паррагини сельд ёғи (200 гр. сариёғ, 100 гр. иваси сельди) мясорубкада ўтказилган ҳолда суркалади.

Бутерброднинг устига майда тўғралган тухум ва кўк пиёз қўшишингиз мумкин

### ЯНА БИР РЕЦЕПТ—САЛАТЛИ ИВАСИ СЕЛЬДИ

**350 гр. иваси сельдига 300 гр. кўк пиёз, 3 та бодринг, 1 стакан қаймоқ, таъбингизга қараб горчица соласиз. Балиқ, кўк пиёз ва бодрингни майдалаб тўғраб аралаштирасиз. Салатга қаймоқ ва таъбингизга қараб горчица қўшасиз. Майонез ҳам мумкин. Уни петрушка, сельдерей, укропнинг яшил барглари, тухум, цитрус мевалар, помидор, мурч, қайнатилган сабзи ёки редиска билан танлашга қараб безаш эсингиздан чиқмасин.**

СТОЛНИ БЕЗАШ УЧУН ВАҚТИНГИЗНИ АЯМАНГ!

МОҲИРОНА ТАЙЁРЛАНГАН ЗАКУСКА ЯХШИ ИШТАҲАНИНГ ГАРОВИДИР.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.**



*«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.*

## ТВ

**3 МАЙ — СЕШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

18.00 «Объективда — Афғонистон». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 19.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси командаларининг матчи. ГФРдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) —«Пахтакор». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

**Ўзбекистон телевидениесининг программалари**

**I**

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қайиқча», «Филча Гошанинг дўстлари», «Этик кийган мушук». Мультфильмлар. 18.40 «Бўлажак созандалар». Глиэр номли музика мактаби ўқувчиларининг концерти. 19.10 «Қармоқ». Ҳужжатли телевизион фельетон. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қардошлик ва дўстлик байрами». Видеофильм премьераси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Пилла—бойлигимиз». 21.00 Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ҳамза номли Тошкент давлат музика билим юрти, скрипкачилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Янгиликлар.

**II**

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Биринчи пост». Телевизион фильм. 18.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.30 «Камалаксимон шиша». Телевизион фильм. 19.45 Янгиликлар. 20.05 РСФСР халқ артисти З. Герд билан учрашув (рус. такрорий). 21.30 МТ II.

**4 МАЙ — ЧОРШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

18.00 «Инженер ҳақида сўз». Ёшлар даврасида учрашув. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». Еревандаги «Ануш» трикотаж бирлашмасида дастгоҳларга хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида. 20.10 «Тириклайин қўлга олинсин». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. В. Карповнинг шу номли асари асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Олам кинокамера кўзгусида». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради. 23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Зенит». 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 «Спорт ҳафталиги».

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Каргополь ўйинчоғи» Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Қирқ бешинчи йилнинг қиши ва баҳори». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. «Кроссворд» операцияси. Қирқ бешинчи йилнинг марти». 20.00 «1983 йилнинг архитектураси». Тобольск. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг V Халқаро фестивали. «Видзем кузи қўшиқлари» (СССР). 21.15 «Кунгур феномени». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

**I**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Орзу». 18.30 «Буюк мутаффакир, оташин революционер». Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллигига. 18.50 «Баҳор». Манзарали фильм. 19.00 «Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи — 65 ёшда». Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали Ю. П. Максимов сўзи. 19.10 «Мотоўқчилар атакага ўтадилар». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Эстрада калейдоскопи» (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Жанубий чегаралар посбонлигида». Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг 65 йиллигига бағишланган кўрсатув (рус.). 23.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

---

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари суд медицинаси кафедрасининг мудири, доцент А. Раҳимовга отаси

**Абдураҳим ТУРСУНХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

---

«Хизмат-беминнат» савдо фирмаси коллективи 2-магазин директори Х. Р. Саъдуллаевга онаси

**Манзура САЪДУЛЛАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП. Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

3 МАЙ, 1983 й. Р—19123. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.